

NAQSHBANDIYA- KAMOLOT YO'LΙ



**respublika masofaviy ilmiy-amaliy anjumani materiallari
2022-yil 26-mart**


Buxoro – 2022

**O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O’RTA-MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI
BUXORO MUHANDISLIK-TEXNOLOGIYA INSTITUTI
“O‘zbek tili va adabiyoti” кафедраси
“NAQSHBANDIYA – KAMOLOT YO’LI” mavzusidagi**

**RESPUBLIKA MASOFAVIY ILMIY-AMALIY ANJUMANI
materiallari 2022-yil 26-mart**



Buxoro – 2022



Hech narsamiz yo‘g‘-u hech narsa kam emas,
Hech narsaning yo‘qligi bizga vale g‘am emas.
Jandamiz yelkamizda, ortimizda go‘riston
Agar o‘lsak, bizga hech motam emas.

Bahouddin Naqshband

Ушбу тўпламда Бухоро фалсафа мактабининг муносиб давомчиси, профессор олима Гулчехра Наврўзованинг 70 йиллик юбилейига бағишлиланган илмий-назарий анжуман материаллари киритилган. Илмий мақолалар олиманинг илм ва ижод йўли, шунингдек, нақшбандия таълимотининг умумназарий, илмий-фалсафий таҳлилига бағишлиланган тадқиқотлардан таркиб топган.

Тўпламга республикамизнинг турли ҳудудларидан файласуф, филолог ва тарихчи олимларимизнинг мазкур таълимотнинг ўрганилиши ва тарихи, генезисига бағишлиланган мақолалари киритилган.

Тўплам Олий ва ўрта маҳсус таълим йўналишидаги барча ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, талabalari ва фалсафа фани билан қизиқувчилар учун тавсия этилади.

Масъул мухаррир:

фалсафа фанлар доктори (DSc) доцент
Г.С.Юнусова

Тақризчилар:

фалсафа фанлари доктори, профессор
Н.О. Сафарова

фалсафа фанлари доктори, профессор
М.С.Хажжиева

Таҳрир ҳайъати аъзолари:

**БухМТИ илмий ва инновацион ишлар проректори ф-м.ф.доктори
М.Шарипов**

Г.Х.Истамова БухМТИ “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси үқитувчиси

Мақолалардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва имло жиҳатларига муаллифлар масъулдирлар

Бухоро – 2022

тариқатчилар маълум мақомга етгандан кейин шариат талаблари соқит бўлади, узлатда яшаганлари боис уларнинг турли-туман ижтимоий мажбуриятларни бажариши шарт эмас, анъанавий ислом тамойилларини инкор этиш сингари ҳолатлар учрайди. Сохта шайхлар, илмсиз, ақалли шариатнинг оддийгина талабларини билмайдиган жохил кишилар тасаввуфнинг асл мақсадларини тушунмаган сохта пирлар бугунги кунда пайдо бўлмоқдаки, улардан бирлари ўзларига маърифатчилар деб ном берганлар. Айрим маърифатчилар ўзларини қандайдир номлар билан аташадилар ва уларнинг бирламчи диний саводи ҳам йўқ. Улар тарки дунё қилишни, ҳеч қаерда ишламасликни, ризқни Аллоҳ бергандан кейин оила таъминоти учун меҳнат қилиш лозим эмаслигини тарғиб қиласидар. Бу таълимот оилани боқишдан бўйин товлаганлар ва дангасаларга айниқса маъқул келади. Улар оилаларининг таъминотини бутунлай ташлаб қўйган ва ўзларининг қорнини турли-туман издиҳомларда тўйдириб юришади. Мазкур таълимот Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг “Дил ба ёр-у, даст ба кор” шиорига мутлақо тўғри келмайди. Ислом динимизнинг асосий талабларини ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг суннатини инкор қилган бундай таълимотнинг умри қисқа бўлади. Кўриниб турибдики, тариқат номи билан иш юритаётганлар анъанавий ислом ақидаларини инкор этган ҳолда халқнинг бошини айлантириши, уларни гуноҳ ишларга бошлиши ақл бовар қилмайдиган ҳолатдир. Очигини айтиш лозимки, мазкур тариқат таълимотларини илгари суреб, халқни ботил ишларга бошлаётганлар аслида шариат илмидан мутлақо бехабар кишилардир.

ХОЖА АБДУХОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙНИНГ ХОЖАГОН ТАРИҚАТИ ВА УНИНГ ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Б.Деҳқонов - БухДУ докторанти

Абдулхолик Фиждувоний (1180 - 1220 й.в.э.)дир. Бу тариқатга Абдулхолик Фиждувоний «Зикри хуфия»ни киритган. Алломанинг «Рисолаи соҳибия», «Рисолаи тариқат», «Васиятнома» ва бошқа асарлари ҳозирги шу кунгача ўз аҳамиятини сақламоқда. Кейинчалик бу тариқатни Маҳмуд Анжир Фағнавий давом эттириб, «Зикри хуфия» билан бирга «зикри алания»ни ҳам давом эттирган.

Хожаган тариқатининг олти пиру-устозлари - Абдулхолик Фиждувоний, Ҳожа Ориф Ревгарий, Махмуд Анжир Фағнавий, Али Рамитоний Мухаммад Бобои Самасий, Ҳазрат Амир Кулол билан нақшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ҳозирги қунгача мусулмон оламида «етти пир» номи билан машхурдир. Хожаган тариқатининг асосий талаб ва ғояларини нақшбандия тариқати тўла қабул этиб, уни ривожлантирган.

Туркистон диёрининг ва бутун мусулмон шарқи халқларининг ифтихори бўлмиш буюк бобокалонимиз Ҳожа Абдулхолик Фиждувоний бошланғич таълимни ўз замонасининг машҳур билимдони, тавсиф илмининг сultonи Имом Садриддиндан мукаммал ўрганади. Ўқиши давом эттириб, йигирма икки ёшида Бухорода машҳур шайх Юсуф Хамадоний билан учрашади ва унга шогирд тушади. Абдулхолик Фиждувоний Юсуф Хамадонийнинг Ахмад Яссавий сингари энг ўткир шогирдлари қаторидан ўрин олади. Устозининг таълимотини ҳар томонлама ривожлантириб, амалиётга зикри хуфияни олиб киради. Устози унга хуфия усули билан зикр айтишга ижозат берган. Абдулхолик Фиждувоний тариқатларнинг энг машҳури ва мўътабарларидан бўлган тариқатга - нақшбандияга асос солган. Мусулмон оламида “Шайхлар шайхи” деган улуғ унвонга сазовор бўлган “Рисолаи соҳибия”, “Мақомати Ҳожа Юсуф Хамадоний”, “Аз гуфттар Ҳожа Абдулхолик Фиждувоний” номли буюк асарлар унинг қаламига мансубдир.

Абдулхолик Фиждувоний замондоши— шайх Ахмад Яссавий йўлини давом эттириб, унинг таълимотини ижодий бойитди. Фикримиз исботи— фарзанди учун маҳсус ёзилган "Васиятнома" даги фалсафий ғояларидир. Абдулхолик Фиждувоний, жумладан, ўғлига қаратса шундай дейди: "Эй, фарзандим, сенга васият қилурманки, Парвардигори оламга қаттиқ шайдо бўлгил, аниг йўл-йўриқларига итоат қилгил, бутун оламлар подшоҳи Тангри таолонинг расули Муҳаммад Алайҳиссалом суннатларига амал қилгил, буюргон фарзларини адо этгил, ота-онанг ва тариқату шариатнинг барча шайхларига нисбатан ўз бурчингни пок бажаргилки, Оллоҳ сендан рози бўлсин. Оллоҳдан қўрққил. Қиёмат қойим рўй берадигон кун фақат анга аёндир ва ул сендин ҳисоб сўрайдир... Оллоҳ ғазабига учрамаслигинг учун гуноҳга ботмагил... Қуръон ўқиши кечаю кундуз канда қилмагил... Неки иш қилсанг, Қуръонга суюнгил, чунки одамларни Оллоҳ (йўл)га чорлайди. Илм ўрганмасдан туриб, ишга киришмагил. Дин йўл-йўриқларини (пухта) билишинг, унга риоя қилишинг учун мудом фикр ва ҳадис ўргангил. Суннат ва тарики жамоага мулозим бўлгил. Сени бу йўлдин оғдирадигон зотга ҳозир

бўлмагил, ҳеч бир одамга кафил бўлмагил, ҳеч киши вас-ваёсига дохил бўлмагил, ҳаргиз шуҳратталаблик қилмагил, ул офат келтиргусидир. Мансаб бирла бўлгил. Одамларнинг мақтовига учмагил ва аларнинг муҳокамасидан хафа бўлмагил, шундай ҳаракат қилгилки, қўз ўнгингда бирон қийматга эга бўлсин... Уламоларни ҳурмат қилгил, шайхларга жонингни жабборга бериб хизмат қилгил, алардин мулкингни аямагил, аларнинг ғазабини келтирмагил, доимо эҳтиёт бўлгил. Тариқат йўлига кириб, уломалар изидан боргил қуидаги беш хусусиятга - дарвешликни бойлик деб билмагон, оддий ўринни фахрий ўрин деб билмагон, илмни нодонлик ҳисоблагон, ўзининг пинҳону ошкор ишларини сарҳисоб қила олмайдигон, охиратни унутгон одамлар ила ўртоқ ва оға-ини бўлмагил.

Абдулхолик Ғиждувонийнинг ўғлига қарата ҳаргиз шуҳрат талаб бўлма, кам гапир, кам е, оз ухла, ҳамиша ҳалол ва пок яша, ҳалол е, нашадан парҳез қил, ҳар бир кишига меҳр-шафқат кўзи билан боқ. Мехрибон бўл, ҳеч кимни ўзингдан паст ҳисоблаб, уни тахқир этма, бирордан асло бирор нарса таъма қилма, деган ўгитлари ҳозирги замон ёшлари учун ҳам асосий йўл-йўриқдир.

Хожа Абдулхолик Ғиждувоний “Васиятнома”сининг бутун мазмун, моҳияти, маънавий-маърифий, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия масалаларига қаратилган. Ғиждувоний жамиятга сидқи-дилдан хизмат этишни муқаддас вазифа-Оллоҳга яқинлашишнинг муҳим йўли деб ҳисоблайди. Шу билан бирга у одамларни хонақоҳда ҳадеб ўлтиравермасдан, Оллоҳга тоат-ибодатни ҳаддан ташқари ошириб юбора бермасдан меҳнат қилиш ва ҳалол яшашга даъват этади: “Ҳалол егил ва шубҳадан парҳез этгил, яъни ҳалоллиги шубҳали овқатдан қўл тортгил”, дейди. Ғиждувоний таъкидлаганидек, бу-Оллоҳга яқинлашишнинг асосий йўлидир.

Абдулхолик Ғиждувоний тасаввуф тариқатининг қуидаги 4 та рашаха - қоидасини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиган. Биринчи рашаха (қатра): Хуш дар дам. Унинг маъноси зикр асносида ичдан чиқаётган ҳар бир нафас ҳушёрлик ва огоҳлик ила чиқмоғи лозим, дейишдан иборат.

Иккинчи рашаха: Назар бар қадам. Унда ўқтурилишича, (солиқ (тариқат аъзоси) ҳар қандай жойда юрганда ҳар бир қадамига диққат ила разм солиб, огоҳ бўлиб юрмоғи лозим.

Учинчи рашаха: Сафар дар ватан. У шундан иборатки, солиқ башарий табиатда сафар қилсин, яъни башарий сифатлардан малакий сифатларга ва номаъқул сифатлардан маъқул сифатларга ўтсин.

Тўртинчи рашаха: Хилват дар анжуман. Бу қоиданинг маъноси зохирда халқ, билан, ботинда ҳақ, билан бўлиш.

Шундай қилиб, ислом таълимотидаги каби тасаввуф ҳам одамларни маданият, маънавият, маърифатга, комил инсон бўлишга даъват этган. Одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламаган. Одамлар шунинг учун ҳам тасаввуф қоидаларини ҳар доим жон-жон деб қабул қилганлар ва унинг ўғитларига қатъий амал қилишга одатланганлар.

ПРИНЦИП НАКШБАНДИ: ЗНАНИЕ ЧИСЕЛ

M. Sadullayeva - Buxoro davlat tibbiyot instituti

Есть восемь принципов Накшбанди, сформулированных имамом ордена Ходжагана (ранний Накшабанди Силсила), Хазрет Шейх Абдул Халик Гиждувани, и три других принципа, сформулированные имамом Тарика Хаджа Аль-Мухаммадом Бахауддином Накшбанди Аль-Увайси Аль-Бухари:

1-Хош Дар Дам (Осознание дыхания), 2-Назар Бар Кадам (Наблюдение за шагом), 3-Сафар дар Ватан (Путешествие по духовному пути), 4-Халват Дар Анджуман (Одиночество в обществе), 5-Яд Кард (внешне и внутренне напоминающее имя Бога), 6-Баз Гашт (возвращение к обязанностям человека согласно Шариату после совершения чистого Зикра), 7-Сосредоточение на Боге (Яддашт), 8-Нигадашт (Хранение духовного состояния).

Другими тремя принципами, преподаваемыми Ходжа Бахауддином Накшбанди в качестве дополнительных трех методов обучения студентов, были: 9-Осознание времени (Вукуфэ Замани), 10-Подсчет повторений зикра (Вукуфи Адади), 11- Постоянная привязанность сердца к Богу (Вукуф и Калби).

«Осведомленность о числе» означает подготовить сердце к достижению совершенства запоминания «Аль-Ахад-Единственный».

«Осведомленность о числах» означает, что Миорид (Искатель), читая Зикр, должен считать свой Зикр и продолжать в соответствии с порядком старшинства (Тартиб). Это традиционный пример, которому учит Пророк Мухаммад (мир ему и благословение Аллаха). Все молитвы, включая ритуальные молитвы, формальные молитвы, добровольные молитвы и добровольное поминование Бога (Зикр), практиковались на определенных числах. Вы не можете сказать: «Я совершаю молитву четыре ракат (круга)

Л.Орзиева.	Наш великий предок Накшбанди.....	96
С.Сайдова.	Ислом мутафаккирларининг фалсафа тарихига қўшган ҳиссалари.....	100
Б.Деҳқонов.	Хожа Абдухолик Фиждувонийнинг хожагон тариқати ва унинг тасаввуф таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси.....	103
M.Sadullayeva.	Принцип Накшбанди: знание чисел.....	106
С.Сайдова.	Духовно-философское мировоззрение в рамках ислама	109
M.Sharipova.	Bahauddin Muhammad Naqshbandi`S great contribution to islam.....	112
Б.Деҳқонов.	Хожагон-Нақшбандия таълимотининг фалсафий-ирфоний таснифи.....	115
Q.Mustaqimova, N.To’raqulova.	Naqshbandiya ta’limotining an’analari va tamoyillari....	118

III. ЗАМОНАВИY ТА’LIM: ISTIQBOL VA IMKONIYAT

Д.Фауров.	Оиланинг ижтимоий институт сифатида вужудга келиш босқичлари.....	121
Ж.Шодиев.	Янги Ўзбекистонда жамият фаравонлигини таъминлаш ва инсон қадрини ошириш.....	124
Д.Фауров, Г.Бафоева.	Янги Ўзбекистонда оила муносабатларининг ҳуқуқий асослари ҳамда маънавий қиёфаси.....	127
С.Ходжаниязов.	Нажмиддин Кубронинг педагогик қарашларида комил инсон тўғрисидаги ғояларнинг акс этиши.....	131
G.Istamova, A.To’ymurodov.	“Nasoyim ul-muhabbat”da oriflarga xos fazilatlar	135
N.Naqqulov, M.Jumayev.	Dunyoning lingvomadaniy manzarasi va uning tilda aks etishi.....	140
Р.Сауров.	Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига мувофиқлик тамойилида давлат хизматларини қўрсатишга оид жиҳатлари.....	143
Н.Шамсутдинова.	Влияние трудов ибн Сины на последующее развитие арабоязычной и европейской философии и научной мысли.....	147
P.Sativaldiyev.	Vatanparvarlik tushunchasining manaviy va aksiologik asoslari.....	149
А.Рахимова.	Махтумқулининг педагогик ғояларида мардлик ва ватанпарварлик қарашларининг намоён бўлиши.....	152